



ХАВАР

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqqan boshlagan

2001 yil, 13 aprel № 15 (448)

Sotuvda narxi erkin

ҲАЙЪАТДА ДОЛЗАРЪ МАСАЛА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди. Унда агентлик почта алоқа корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари П. Бобожонов, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Умумий назорат бошқармаси бошлиғи Х. Махмудов ва Бошқарманинг катта прокурори А. Куранбевлар иштирок этишди.

Ҳайъатда «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига нафақа тарқатишда Почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимида йўл қўйилаётган қонунбузарлик ва суистеъмолчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдирнома» си қўриб чиқилди. Хусусан, почта жўнатмалари, пул маблағлари, шу жумладан нақд пулларнинг сақланишини таъминлаш масаласи йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Маълумки, почта алоқаси корхоналари тарафидан нафақа, обуна ва пенсия учун ҳар йили 250 миллиард сўмдан орტიқ миқдорда пул операциялари амалга оширилади. Бу маблағларнинг деярли 90 фоизи почта алоқа бўлимлари томонидан нақд пуллар билан тўланади. Афсуски, қўрилатган

чора-тадбирларга қарамасдан ханузгача соҳада пулларни ўғирлаш ва ўзлаштириш ҳоллари учрамоқда. Мисол учун, 1999 йили еттига почта алоқа корхонасида 5 миллион сўмлик пул маблағларини ўғирлашнинг 11 ҳолати фош қилинди. 2000 йили пул операциялари ҳисоб-китобининг назорат натижалари ҳар чоракда Кузатов мажлисида муҳокама қилиниб, аниқланган ўғирлаш ва ўзлаштириш ҳодисалари компанияда ва акциядорлик жамиятларида сақлаш комиссияси томонидан қўриб чиқилди. Шунингдек, компания мутахассислари ва акциядорлик жамиятлари директорлари ҳодиса рўй берган жойларга бориб текшириш ўтказдилар. Натижада йўл қўйилган қондабузарликлар сабабли иш сифатининг кескин ёмонлашиб кетганлиги учун 26 та почта алоқаси ходимлари, шу жумладан уч нафар акциядорлик жамияти директори ишдан бўшатилди. 31 нафар ходимга ҳайфсан эълон қилинди. Лекин шунга қарамасдан, Тошкент, Навоий, Сурхондарё, Андижон, Жиззах, Самарқанд вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида 2000 йил натижасига қўра пул маблағларининг ўғирланиш ҳолатлари учрамоқда.

«Самарқанд почтаси», «Андижон почтаси», «Тошкент почтаси», «Жиззах почтаси» акционерлик жамиятларида содир этилган еттига ўғирлик ҳолати тергов органларига топширилди. Бу қонунбузарликлар пенсионерларнинг почта алоқаси корхоналари ва бошқа ташкилотларга пенсия ҳамда нафақаларни ўз вақтида олмаётганликлари

тўғрисидаги муҳожаатларидан сўнггина аниқланган. Текшириш натижаларига қўра, почта ходимлари ижтимоий таъминот ходимлари билан тил бириктирган ҳолда пенсия маблағларини ўғирлашган. «Навоий почтаси» АЖ Учқудук шаҳар почта алоқаси собиқ бошлиғи Н. Ким худди шундай йўл тутган.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК содир этилган ўғирлик ҳодисалари юзасидан кескин чоралар қўриш ўрнига масалага лоқайдлик билан қараган. Шунингдек, компания ва вилоятларда ҳам пенсия маблағларининг сақланиши, ўғирлашнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқ-тартибот ва ижтимоий таъминот органлари билан ҳамкорликда етарли даражада иш олиб борилмапти.

Ҳайъат мажлисида сўзга чиққанлар «Ўзбекистон почтаси» ДАКда юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун қатор чора-тадбирлар қўрилганига қарамай, шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй берганини афсус билан қайд қилишди. Келгусида бундай ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш заруригини, айбдорлар албатта тегишли жазосини олажагини, қонун устуворлигини таъминлаш аҳолига алоқа хизмати ва почта хизмати кўрсатишдек масъулиятли, шарафли вазифа юклатилган ҳар бир алоқа ходимининг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Ҳайъатда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида меҳнат фаолиятини таржимонликдан бошлаган Тўйғун АЪЛАМОВ ҳозирги кунда маркетинг халқаро алоқалар бўлимига раҳбарлик қилмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

«Наманган Телеком» акционерлик жамиятида Тошкент электротехника алоқа институтини битирган ёш мутахассислар алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Кейинги йилларда вилоят алоқа корхоналарида олий ва ўрта махсус маълумотли кадрларга бўлган эътибонни тўла қондириш мақ-

ўрни келганда шунга айтиш керакки, институтни тугаллаган аксарият ёш мутахассислар ўқиш жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўлай олмаётганлиги иш жараёнида яққол сезилиб қоляпти. Ана шундай ёшларга ёрдам бериш мақсадида «Наманган Телеком» АЖ қошида «Ёш мутахассислар»

ЁШ КАДРЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

садида НамДУ қошида корхона маблағи ҳисобига тайёрлов курслари ташкил этилиб, танлов асосида истеъодли ёшлар Тошкент электротехника алоқа институтига қабул қилинган эди. Ёшларнинг келажақда етуқ мутахассис бўлиб етишишлари учун институт маъмурияти ота-оналар билан мустаҳкам ҳамкорликда талабаларнинг ўқиш жараёни ва яшаш шароитларини мунтазам назорат қилиб бормоқда. Ало баҳолар билан ўқибётган талабалар эса моддий рағбатлантирилмоқда.

1999 йили 20 нафар ва 2000 йили 25 нафар бакалаврлар вилоят алоқа корхоналарига йўлланиш билан ишга юборилди. 1999 йили беш нафар ва 2000 йили уч нафар аълочи талабаларимиз магистратурада ўқишларини давом эттирди. Ўқишни имтиёзли диплом билан тугатган З. Нуриддинова, Б. Саидов, Н. Ҳайдаров каби ёш кадрларга энг масъулиятли вазифалар ишониб топширилди.

уошмаси ташкил этилди ва унга қобилиятли ёшлардан бири Б. Саидов раис этиб сайланди. Шунингдек, мавжуд техник кутубхона ҳам уларнинг ихтиёрига берилиб, ҳар ойда бир марта малакали мутахассислар томонидан замонавий технологиялар бўйича машғулотлар ташкил этилди. Ёшларга ана бир қўлайлик яратилди – инглиз тилини чуқурроқ ўрганиш учун корхона ҳисобида тил ўргатиш курслари ташкил этилди.

Хуллас, ёш кадрларнинг талаб ва қизиқишлари доимо раҳбариятнинг диққат марказида турибди. Ёшларнинг соҳа сирларини мукаммал эгаллашлари учун барча имкониятлар яратилди. Албатта, кўрсатилётган бундай ғамхўрликлар ўз самарасини бермоқда.

З. ШАҲОБИДДИНОВА,
«Наманган Телеком» акционерлик жамияти ходимлар бўлими бошлиғи

МИННАТДОРМИЗ

Биз нафақадаги меҳнат фахрийлари Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф. Абдуллаевага ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб-уошмаси марказий қўмитасига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Улар байрамларда, йиғинларда биз каби ногирон ва наचा фақачиларни доимо эслаб туришади. Қимматбаҳо совғалар улашади. Бу албатта, биз учун ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам бўляпти. Уларнинг бизга кўрсатаётган эътиборларидан жуда мамнунмиз.

Биз – меҳнат фахрийлари алоқа соҳаси ходимларининг келгуси ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Т. ЛЕОНОВА,
Т. КАЗАКЕВИЧ,
А. СУВЕРОВА
ва бошқа нафақачилар
Тошкент шаҳри

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕАЛАР • ХАВАРЛАР

• Матбуотда «Иккинчи чақирғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақирғи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

қарори эълон қилинди.
• Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейига буюк бобоқалони Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» асарининг нодир қўлёзмаси топширилди.

• Исроилда нашр этилаётган «Ля-Иша» журналида мамлакатимизга бағишлаб эълон қилинган қўш саҳифали мақола «Ўзбекистон – эртаклар мамлақати» деб номланди.

• Украина Президенти Леонид Кучма украин армиясининг 2015 йилгача шартнома тизимига ўтиш концепциясини маъқуллади.
• Италия полицияси таниқ-

ли террорчи Бин Лоден ҳамтовокларидан беш нафарини қўлга олди.

• Куба Президенти Фидель Кастро Хитой билан АҚШ ўртасида самолётлар тўқнашуви натижасида юзага келган зиддиятда «Совуқ уруш» аломати бор, деди. Президентнинг айтишича, Вашингтон маъмурияти тезда ушбу воқеа бўйича қарашларини ўзгартариши лозим. Акс ҳолда икки мамлакат ўртасида-

ги келишимовчилик янада кескинлашиши мумкин.

• Даниядаги энг кекса нашрлардан бири «Актүэлт» газетаси молиявий қийинчиликлар сабабли фаолиятини тўхтатди. Газета 1872 йилдан чиқа бошлаган эди. 1959 йилгача у «Социал-демократен» номи билан нашр қилинган. Кейинги пайларда «Актүэлт»нинг нухаси 50 мингдан 25 мингга тушиб кетган эди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси ўртасида 2000 йил, февраль ойида тузилган тармок келишуви почта ва телекоммуникация соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларга ижтимоий кафолатлар беришнинг асосий йўналишларини белгилади. Шу муносабат билан марказий кўмита 2000 йили «Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниялари билан ҳам келишувлар тўзди.

Корхоналарида қабул қилинган келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилиши марказий кўмитанинг раёсат йиғилишлари ва пленумларида мунтазам равишда кўриб борилмоқда.

2000 йил мобайнида жамоа шартномалари ва келишувлар қабул қилиш ҳамда уларни бажариш масалалари бўйича тармокнинг 50 дан ортиқ корхона ва ташкилотлари ўрганилди ва текширилди. Уларда тасдиқланган ҳақвал асосида жамоа шартномалари ва келишувларнинг 2000 йилда бажарилиши лозим бўлган ишлари юзасидан меҳнат жамоаларининг йиғилишлари ва конференциялари ўтказилди. Бунда «Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбектелеком интернейшнл» кўшма корхонаси акционерлик жамиятининг

масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ўтказилган конференциялар, меҳнат жамоалари йиғилишларида тақдим этилган маълумотлар тахлилича, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар

нафақа пули тўланди; — 16 ёшгача, 4 нафар ва ундан кўп болалари бўлган аёлларга иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. Ушбу имтиёздан 1330 нафар аёл фойдаланди. 2000 йили алоқачиларнинг

бўйича почта соҳасида бу миқдор 2500 сўмни ташкил қилган эди.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК тасарруфидаги корхоналар томонидан меҳнат муҳофазасида белгиланган тадбирларни бажара

дари) кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун моддий ёрдам пули тўланган. Меҳнат муҳофазасининг бажарилишига эса Бухоро вилоятидаги зарур маблағ сарфланган, холос.

«Ўзбектелеком» АКга қаршли «Жиззах Телеком», «Сурхондарё Телеком» шўба корхоналари, «Фарғона Телеком», «Наманган Телеком» АЖларида ҳам ўртача ойлик маош белгиланган даражага етказилмаган.

«Ўзбектелеком» АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси ўртасида тузилган келишувнинг бажарилиши директорлар Кенгаши ва марказий кўмита Раёсатининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинди ва керакли чоралар белгиланди.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК, «Матбуот тарқатувчи» ва «Ўзбектелеком» АК таркибига кирувчи айрим корхоналарнинг иш бевурилиши келишув ва жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларни бажармаганиликлари ёки бир томонлама ўзгартиришлар киритганликлари, иш ҳақи тўлашда узилишларга йўл қўйганликлари учун огоҳлантирилди. Бундан буён келишув ва жамоа шартномаларини бажаришда юқоридаги камчиликлар тақдорланса, уларга нисбатан жазо чоралари қўлланилиши таъкидланди.

Т. НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон алоқа
ходимлари қасаба
уюшмаси марказий
кўмитаси раиси

ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

агентлиги, компаниялар ва Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси томонидан олиб борилган ҳамкорлик ижобий натижаларни берди. Жойларда ойлик маошларни беришдаги қарздорлик ўтган йилнинг охирига келиб тугатилди. Почта ва телекоммуникациялар соҳасида ўртача иш ҳақи — 20,3 минг сўмга етказилди. Бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга кўпдир. Жамоа шартномалари ва келишувларидаги узайтирилган меҳнат таътили бериш, корхона ҳисобидан ходимларни бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш, моддий ёрдам ва ижтимоий имтиёзлар бериш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳақидаги бандлари ҳам бажарилди.

Ўтган йил давомида куйидаги тадбирлар белгиланди ва бажарилди:

— 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси туфайли тўтилган чиққан аёлларга ҳар ойда

3850 нафардан ортиқ фарзандлари дам олиш оромгоҳларида бўлдилар.

Афсуски, келишув ва жамоа шартномаларининг 2000 йилда бажарилиши бўйича жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Ўртача иш ҳақи келишувларда назарда тутилган даражага олиб чиқилмади. «Ўзбекистон почтаси» ДАКда ўртача иш ҳақи 10,1 минг сўмни ёки Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 4,9 баробарини ташкил этди. Ваҳоланки келишувда ўртача маошнинг минимал иш ҳақининг 7,5 баробарига етказиш назарда тутилган эди. «Жиззах почтаси» АЖ да ўртача иш ҳақи 7,7 минг сўмни, «Тошкент почтаси» АЖда эса 8,7 минг сўмни, «Қашқадарё почтаси» АЖда 8,9 минг сўмни ташкил этди.

«Қорақалпоқ почтаси» АЖда эса ўрта ҳисобда ҳар бир ходим кўшимча равишда жамоа шартномасига асосан бор-йўғи 400 сўмгина олган. Республика

риш бўйича ишлар етарли даражада амалга оширилмаган, яъни иш бевуричи зиммасига олган мажбуриятларни бир томонлама бекор қилиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш каби ҳоллар ҳам учраб турибди. Хусусан, «Сурхондарё почтаси» АЖда жамоа келишувида қабул қилинган барча тўловлар бир томонлама бекор қилинган, бу эса меҳнат қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга зиддир. Шунингдек, ойлик маош миқдори ҳам бир томонлама камайтирилган.

«Матбуот тарқатувчи» АК корхоналарида ҳам келишувларни бажаришда жиддий камчиликларга йўл қўйилган, ўртача иш ҳақи республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 5,0 баробарини ташкил қилган. Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари бўлиmlарида эса ўртача ойлик маош шу миқдорга ҳам етмаган.

«Матбуот тарқатувчи» АКнинг 13 та вилоят бўлиmlаридан фақат иккитасида (Самарқанд, Сир-

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий ҳисобот йиғилиши 2001 йил, 18 май, соат 10.00да Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 17 уйда ўтказилади.

Рўйхатга олиш соат 9.00дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акционерлик жамиятининг 2000 йилги молиявий-хўжалик фаолияти ва 2001 йилнинг асосий йўналишлари тўғрисида ҳисобот.
2. Корхонанинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланслари, фойда ва зарар ҳисоб-китобларини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ва аудитор хулосалари.
4. 2000 йилги фойдани тақсимлаш.
5. 2001 йилга аудиторни тасдиқлаш.
6. Кузатув кенгашини қайта сайлаш.
7. Ҳар хил масалалар.

Маълумот учун телефонлар: 133-45-19, 55-77-17.

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» АЖНИНГ 2000 ЙИЛГИ БАЛАНСИ

№	Кўрсаткичларнинг номи	АКТИВ	ПАССИВ
1	Устав капитали		4085496
2	Кўшилган капитал		467187
3	Резерв капитал		902385
4	Асосий фондлар	7517840	
5	Захиралар	262200	
6	Пул маблағлари	400674	
7	Дебитор қарздорлик	675688	
8	Қисқа муддатли мажбуриятлар		1533073
9	Узоқ муддатли мажбуриятлар		2267924
10	Бошқа активлар ва пассивлар	564166	
	ЖАМИ	9420568	9420568

2000 йил учун ҳаммаси бўлиб даромадлар 9088207 минг сўм, бошқа даромадлар 306545 минг сўм, харажатлар эса 4665409 минг сўм ва корхонанинг соф даромади 123319 минг сўмни ташкил этди.

Баланс кўрсаткичларининг тўғрилиги «Аудит-Аломат» аудиторлик фирмасининг хулосаси билан тасдиқланган (1996 йил, 31 октябрь, 210 рақамли лицензия, 2001 йил, 5 март, 983 рақамли сертификат).

«ТШТ» АЖ Кузатув кенгаши

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

акциядорларининг навбатдаги умумий ҳисобот йиғилиши 2001 йил, 4 май, соат 10.00да Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уйда ўтказилади.

Рўйхатга олиш соат 9.00дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг 2000 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ҳисоботи ва 2001 вазифалари.
2. «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг 2000 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича балансини, аудитор текшируви хулосасини, тафтиш комиссиясининг далолатномасини тасдиқлаш.
3. Соф фойдани тақсимлаш, сметани тасдиқлаш.
4. Дивидендлар тўлаш ҳақида.
5. 2001 йил учун аудиторни тасдиқлаш.

Мурожаат учун телефон: 133-57-47.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК Кузатув кенгаши

«Тошкент почтамити» АЖ қимматбаҳо қоғозларининг 2001 йил 1 январдаги ҳолати

Жорий ҳолати:	Жойлаштирилган ҳажми:
Низом жамғармаси	151775 минг сўм
Акциялар сони, жумладан:	151775 дона
Давлат улуши (оддий, номи ёзилган) акциялар сони	53501 минг сўм 53501 дона
«Ўзбекистон почтаси» ДАК улуши (оддий, номи ёзилган) акциялар сони	60330 минг сўм 60330 дона
«Алоқабанк» улуши (оддий, номи ёзилган) акциялар сони	22767 минг сўм 22767 дона
Меҳнат жамоасининг улуши (имтиёзли, номи ёзилган) акциялар сони	15177 минг сўм 15177 дона
Акцияларнинг номинал қиймати	1000 сўм

«Тошкент почтамити» АЖ Кузатув кенгаши

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ 2001 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАР УЧУН АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

05.12.02 Алоқа каллалари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;

05.12.14 — Алоқа тармоқлари, бўлиmlари ва ахборот тақсимлаш; 05.12.17 — Радиотехника ва телевидение тизимлари ва қурилмалари.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2001 йил, 10 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 700084 Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108 уй.

Маълумот учун телефонлар: 35-08-84, 35-01-12, 35-07-63.

Факс: 35-10-40.

СOSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

ИЛТИЖО ВА НИЯТ

Ироқлик бир бадавлат одам оиласи билан ҳаж зиёратига борибди. Бироқ, борган кунининг эртасигаёқ ёнидаги бор пулини йўқотиб қўйибди.

— Энди нима қиламан, эй Худойим, ўзинг мадад бер, — деб Каъба атрофида айланиб йиғлайверибди. Аллоҳдан мадад сўрай-сўрай кунни кеч қилибди. Тунда меҳмонхонага қайтибди-да, ётиб ухлабди. Тонг маҳали туш кўрибди. Тушида пайғамбаримиз Мухаммад салоллоҳи алайҳи васаллам ёнларида бир одам билан келиб, «Сизга мана шу киши ёрдам қилади», дебдилар.

У тонг саҳарда уйғониб, масжидга бориб намоз ўқибди. Масжиддан чиқиб келаётса, ҳалиги тушида пайғамбаримиз билан бирга келган одам рўпарасида турган эмиш. Шунда у қўлидаги тугунни пул йўқотган кишининг қўлига тутқазиб, индамай ортига қайтиб кетибди. Ироқлик киши ўша тугундаги пуллар ёрдамида ҳаж зиёратини тўла-тўқис адо этиб, оиласи билан ўз юртига жўнаб кетибди. Орадан йиллар ўтиб, ҳалиги киши ўз мададорини масжидда учратиб қолибди. У билан кучоқлашиб, йиғлаб кўришибди-да:

— Эй биродар, мени мусибатдан қутқарган эдингиз, энди ўша қарзни олинг, — дебди.

— Эй мўмин биродарим, у закот эди. Ҳажга борганимда муҳтожларга бераман деб ният қилган эдим. Кимга беришни билмай юганимда тушимда пайғамбаримиз сизни кўрсатиб: «Пулингизни шу одамга бериш» дедилар. Мен Расулulloҳнинг айтганларини бажардим.

Илоҳим, барчамизга Оллоҳнинг ўзи мадад берсин, Омин...

ИБН СИНО ВА КАСАЛ БОЛА

Машхур табиб чой ичиб ўлтирган экан. Бир қария неварасини етаклаб келибди.

— Шу болам касал, — дебди у. — Унга ёрдам берсангиз...

Ибн Сино болага тикилганича чой ичишда давом этибди. Беш, ўн, ўн беш дақиқа ўтибди ҳамки у кишидан садо чикмабди.

Чолнинг аччиғи тез экан, бу сукутга чидолмабди:

— Сен қанақа табибсан? — дебди ниҳоят. Лоақал томирини ушлаб кўрмадинг. Суф сенга! — дея болани етаклаганча жўнаб қолибди.

Унинг ортидан табиб:

— Отахон! — деб чақирибди.

Отахон ўгирилиб қараган экан:

— Болагизга шафтоли едиринг, — дебдилар.

Табиб болага индамай тикилиб ўтирганида унинг касалини аниқлаётган, бетоқатлик қилган бобо эса буни тушунмай, зардаси қайнаган экан.

КИТОБНИ ТЕПМА

Урушнинг оғир давларида бисотимизда нимаики бўлса, ҳаммасини сотиб, жон сақлай бошладик. Ниҳоят, урушда шахид бўлган акамнинг китобларига ҳам навбат келди. Шу баҳона бўлиб бирозгина китоб савдоси билан ҳам шуғулландим. Бир куни эрталаб китобларни ёйиб турганимда бошига чуст дўппи, эгнига хитойи камзул-шим, оёғига фарчли амрикон этик кийиб олган паттачи келиб, ёнимдагилардан бозор ҳақини олар экан, менга юзланиб:

— Қани, китобчи бола, бозор ҳақини тўлаб қўй! — деди.

— Пулим йўқ, амаки, — дедим унга. — Ҳали ҳеч нарса сотганим йўқ.

Ҳар куни эртадан кечгача китоб олиб-сотасану, пулинг бўлмайдими?! — деди-да, ерга ёйилган китобларимни тепиб, ҳар томонга сочиб юборди.

У кетгандан кейин ёнимдаги аттор чол афсус билан деди:

— Бу одам ўзига жабр қилди. Китобни ҳам тепиб бўладими?

Энди хор бўлади. Аттанг... Аттанг...

Сочилган китобларимни йиғиштириб олиб, яна ёйиб қўйдим. Бироздан кейин тоғам келиб қолдилар. Бўлган воқеани айтдим.

— Менинг гапим эсингда бўлсин, жиян, — дедилар тоғам. — Бир куни мана шу паттачи гадо бўлади. Тиланиб ўлтирганини кўрасан. Мабодо ўшанда унга йўлиқсанг, шу бугунги воқеани эслатгин.

Уруш тугади. Ҳаёт аста-секин изга туша бошлади. Хуллас, бир куни Урдада трамвай кўтиб турганимда эски шинель кийган, букчайиб, хассага таяниб юрган бир тиланчини кўриб қолдим. Бекатдагилар унинг илтижо билан чўзилган қўлига танга ташлашаркан. У менга юзма-юз келганида кўзларимга ишонмай қолдим. Бу ўша паттачи эди. Шунда тоғамнинг гаплари хаёлимда чакмоқдай ярқираб кетди. Фақат у анча қариб, ориқлаб қолган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди. Дарров чўнтагимга қўл солдим, ундаги бир сиким танганинг ҳаммасини олиб, собиқ паттачининг кафтига тўқдим ва Оллоҳга минг-минг ҳамдлар айтдим. Кейин бу воқеани тоғамга айтганимда у киши:

— Унга ўша воқеани, яъни китобларни тепганини эслатдингми? — дедилар.

— Йўқ, эслатмадим. Ахир уни худо уриб қўйибди-ку! Бундан ортиқ жазо бўлмаса керак...

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 ракам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2339.
5107 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси компьютерида терилди ва чоп этилди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАҲОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб, ҳол-аҳвол сўрашиб туриш — бу савоби тез тегадиган хайрли ишлардандир. Зулим ва қариндошлардан узилиб кетишлик эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир.

Мўминларнинг афзали хулқ-атвори яхшиларидир.

Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади.

Тангри сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва ишларингизга қараб баҳо беради.

Қилиб қўйиб, сўнг узр сўраладиган ишдан сақлан.

Қулоққа ёмон эшитиладиган гапдан сақлан.

Барча яхшилик — хушхулқликдадир.
Барча гуноҳ ва ёмонлик — дилдаги гашлик ва уятли ишдадир.

Уч хил дуо бордирки, улар шаксиз мустажоб бўлғай:

1. Ота-онанинг фарзанд ҳақиқа қаргаб туриб қилган дуоси.
2. Мусофирнинг дуоси.
3. Мазлум кишининг дуоси.

Мўминларнинг яхшиси — унинг қўли ва тилидан бошқалар озор топмайдиганидир.

Тилини тузатган кишига Тангрининг раҳмати бўлсин.

● Бу — қизиқ!


САБЗИНИНГ «ТИЛИ» БОР...

Хозирги ёшлар ота-онасига «уйланаман» деган сўзни қандай қилиб айтибди. Агар у муҳаббат дардига мубтало бўлган бўлса, иситмаси албатта ошкор этади, чуқур-чуқур ух тортади, кечаси билан ух-лолмай чиқади, хаёлпараст бўлиб қолади.

«Иситма»нинг бундай шакли бўлмаган ёшларнинг эса иситмаси сўзи бор — «Уйлан-

тириб қўйинг». Бу сўз кимни кўпроқ ўйлантириб, иситмала-тади — ўзингиз биласиз...

Яқин-яқинларгача эса буйдоқ йиғитларимиз ўз дардларини осонгина айтишган — отасининг қавушига сабзи солиб қўйишган, вассалом. Ота қавушга оёқ солаётганда ўғлининг «дарди»га оёғи тегиб кетди. Ва сабзининг «тили»га тушунади. Чунки ўзи ҳам бу «тил»дан фойдаланган-да.



Умр оқар сув.

ҲАЁТ ҚОНУНИ

Дунёга боқаман, дунё ўзгача,
Муъжизаларидан инсон тили лол.
Умрга боқаман, умр аслида,
Вазмин табиату беқарор шамол.

Ҳаёт қонунидир тугилиш, ўлиш,
Ундан ҳеч бир кимса четда туролмас.
Табат қонуни — қурашиб яшаш,
Уни ҳеч бир олим қайта қуролмас!

Сурайё РЕЖАПОВА,
талаба

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси Қамаш филиали жамоаси корхона телефончиси **Матлуба-хон ХУДОЙҚУЛОВА**ни таваллуд куни муносабати билан муборакбод этади. Унга узоқ-умр, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик, ишларига ривож тилаб қолади.

«Жиззах почтаси» акционерлик жамияти Зомин филиали жамоаси корхона бош хисобчиси **Мақсуда ОРИПОВА** ва Даутобод алоқа бўлими хабарчиси **Марҳамат СУЛАЙМОНОВА**ларни тугилган кунлари билан самимий табриклайди. Уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, келгуси ишларида доимо омад ёр бўлишини тилайди.